# Тошкент оқшоми

2013 йил 30 апрель, сешанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 85 (12.396)

Баҳоси эркин нархда


## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Тадбиркорлик

## ЁШ УСТАНИНГ ИЛК МУВАФФАҚИЯТИ

***Мамлакатимизда ишбилармонларнинг ташаббусларини рағбатлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва бу борадаги тажрибани оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ҳар йили ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловида минглаб одамлар иштирок этади.***

Жумладан, ҳунарманд Сардор Солиҳжонов Мирзо Улуғбек туманида ўтказилган «Ташаббус – 2013» танлови босқичида «Энг ёш ҳунарманд» номинациясида ғолиб чиқди. Унинг қаламдонлар, лавҳлар, эсдалик ликопчалари ва бошқа буюмлардан иборат экспозицияси ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирди.

Энди ўн тўққиз ёшни қаршилаган Сардор кўп муваффақиятларга эришди. У болалигидан халқ усталари ясаган буюмларга қизиқар эди. Шу боис бўлса керак, уста Тоҳир Ғозиев раҳбарлигида ёғоч ўймакорлиги билан шуғуллана бошлади. Устоз шогирдига ўз билим ва тажрибасини, мустақил ишлаш ва ижод қилиш кўникмаларини ўргатди.

Сардорнинг биринчи ясаган буюми – қутича қариндошларига жуда ёқди. Бироқ, ёш ҳунарманд ўзининг илк ишидан қониқмади. Кейин у буюмлар қўйиладиган тагликлар, ташриф қоғозлари солинадиган қутича, стол ва стуллар ясади. Унинг танлаган касбига тобора меҳри оша бошлади. Энди ёш уста «Ташаббус – 2013» кўрик-танловида иштирок этишга қарор қилди. Танловга ўзи ясаган лавҳлар, телефон учун тагликлар, нарда ва стулларни тақдим этди. Устози Т.Ғозиевнинг айтишича, Сардор қўлидан кўп иш келадиган, ўз ғояларини амалга ошириш учун тинимсиз интиладиган моҳир устадир.

Сардор Солиҳжонов Ўзбекистон қўли гул усталар ва улар ясаган чиройли буюмлар билан довруғ қозонишини истайди, бунинг учун ўз маҳоратини такомиллаштиришга интилади. Яқин келажакда мўъжаз қутичалар, катта тўсиқ ва устунлар тайёрлаш, истиқболда эса ёшлар ҳунар ўрганадиган ўқув маркази очишни режалаштирмоқда. Бу эса янги иш ўринлари ташкил этиш имконини ҳам беради. С.Солиҳжонов бу ниятларининг рўёбга чиқишига ишонади. Чунки мамлакатимизда ташаббускор ва тадбиркор одамлар учун барча шарт-шароит яратилмоқда.

**Ирина ДОЛЕНКО,**
**ЎзА мухбири**

***Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратиш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишини таъминлаш зарурлиги таъкидланган.***

Қонун ва ижро

## ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, 2012 йил 24 декабрда «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун билан «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ушбу қонун мазмун-моҳияти ва унинг ижроси билан боғлиқ масалаларга бағишланган илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари А.Усмонов ва бошқалар миллий қонунчилигимизнинг изчиллик билан такомиллаштирилаётгани барча соҳаларни ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Янги таҳрирда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини янада ошириш ва самарали ижросини таъминлашга хизмат қилади. Қонун асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси, уларнинг турлари ва ўзаро нисбати аниқлаштирилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат – мазкур қонунга мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.

*(Давоми 2-бетда)*

***Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ташкил этилган «Ўзбекистонда сайлов жараёнини янада демократлаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусида республика семинари бўлиб ўтди.***

## САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Семинарда Марказий ва ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар раҳбарлари, сенаторлар, Қонунчилик палатаси депутатлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор халқаро ташкилотлар, шу жумладан БМТТД, ЕХҲТ вакиллари, сайлов ҳуқуқи соҳаси олимлари ҳамда мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўладиган сайловнинг юксак савияда ташкил этилиши ва ошкоралигини таъминлаш, сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар ҳисобга олинган ҳолда сайлов кампанияси давомида партиялараро рақобатни, депутатликка номзодлар баҳслашувини кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов семинарни очар экан, очиқ ва эркин сайловлар Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим таркибий қисми, халқимиз ўз хоҳиш-иродасини билдиришининг, фуқароларимизнинг давлат ҳамда жамият ишларини бошқаришдаги иштирокининг асосий шакли ҳисобланишини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси миллий сайлов тизимини, бу борадаги тегишли қонунчиликни ривожлантириш ва янада эркинлаштиришда янги босқични бошлаб берди.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида мамлакатимиз парламенти 2012 йил 5 декабрда «Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни маъқуллади.

Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар жамиятимизда рўй бераётган реал жараён, сиёсий партиялар фаоллиги, фуқароларнинг сайловчилик маданияти ошгани, мамлакатимизда демократик ислоҳотлар кўлами кенгайганининг ифодасидир. Бу янгиликлар сайлов комиссиялари фаолиятининг очиқ-ошкоралигини тўлиқ таъминлашга қаратилган бўлиб, сиёсий партиялар ва сайлов жараёнининг барча иштирокчилари, шу жумладан давлат ҳамда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг масъулиятини оширади.

ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Дьердь Сабонинг таъкидлашича, «Ўзбекистонда мутахассислар ва сайлов жараёнида қатнашадиган барча одамларни ўқитиш, бу борада бошқа давлатлар билан тажриба алмашишга катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги сайловларга тайёргарлик кўриш барвақт бошланганини ҳам қайд этиш жоиз. ЕХҲТ Ўзбекистонга сайлов тизимини янада такомиллаштиришдек муҳим ишда бундан буён ҳам ёрдам беришга тайёр».

«Айни пайтда мамлакатимиз сиёсий партиялари катта мафкуравий ва амалий тажрибага эга, ички ҳамда ташқи сиёсат масалаларида ўз позициясини белгилаб олган, улар ўртасида соғлом рақобат кузатилмоқда, – деди Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашининг марказий аппарати раҳбари вазифасини бажарувчи Шамсиддин Бозоров. – Шу билан бирга, «Адолат» партияси ҳақида гапирадиган бўлсак, биздаги мавжуд катта ташкилий салоҳият ва имкониятдан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётир. Шу сабабли биз учун сайлов қонунчилигига киритилган янги нормалар, жумладан, электорат билан учрашувларни ташкил этиш тартибини белгилайдиган нормалар ниҳоятда муҳимдир. Бундай учрашувларда нафақат ўтган давр учун ҳисобот бериш, балки, энг муҳими – партиянинг мақсадли вазифаларини акс эттирадиган пухта ўйланган рақобатбардош лойиҳа ҳамда дастурларни таклиф этиш лозим. Бу эса партиянинг обрў-эътиборини оширади».

«Партиямиз қонунчиликда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда, 2014 йилги сайлов кампаниясида янада фаол иштирок этиш ниятида, – деди Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Арслон Эшмуродов. – Партия мафкурасининг барчага маълум бўлиши сайловларга тайёргарлик кўришда асосий вазифа ҳисобланади. Умумий ваъдалар, баландпарвоз шиорларга энди йўл қўйилмайди. Шароит ва электорат ўзгарди. Сайловчилар сиёсий маданиятининг ортиб бораётгани партиядан уларга ўз йўналишининг яхлит ва тушунарли стратегиясини тақдим этиш учун мамлакатимиз, минтақа ва дунёда рўй бераётган вазиятни янада чуқур таҳлил қилишни талаб этмоқда. Биз электоратимизни, аввало, ўзини ватанпарвар, мамлакатимиз манфаатларининг фаол ҳимоячиси деб биладиган фуқаролар ҳисобидан кенгайтириш ниятидамиз. Шу муносабат билан сайловгача сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш партиямиз фаолиятида катта аҳамият касб этади».

Семинар қатнашчилари янги қонуннинг фуқаролар ўз сайлаш ҳуқуқларини эркин амалга оширишининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлайдиган нормалари эътиборга олиниб, парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ амалий жиҳатларни кенг муҳокама қилди.

Иштирокчилар амалий мулоқот давомида ўтган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда мониторинг натижасида аниқланган камчиликлар ҳамда фойдаланилмаган имкониятларни танқидий таҳлил қилди, сайлов кампаниясини ўтказиш амалиётини янада такомиллаштириш, сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг ғоялари, сайловолди платформаларининг очиқлиги ҳамда баҳслашувини таъминлашга доир чоралар кўриш зарурлигини таъкидлади.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Самарқандда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари билан оммавий ахборот воситалари ҳамкорлиги масалаларига бағишланган семинар ўтказилди. Семинарда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишни янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.**

**● Беруний туманида Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан ташкил этилган Фермерлар кенгашлари фаолиятини ривожлантириш масалаларига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти туманлари ҳокимлари, Фермерлар кенгашлари раислари, адлия идоралари ходимлари иштирок этди.**

**● Бухорода Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказилаётган «Китобхонлар байрами» танловининг минтақавий босқичи якунланди.**

**● Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг ўқув-машқ майдонида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларидан иборат 12 жамоа ўзаро куч синашди.**

### ЖАҲОНДА

**● Таиланддаги Чаопрайя дарёси устида бундан икки йил муқаддам бунёд этилган ва фақат пиёдалар ва мотоциклчилар фойдаланаётган осма кўприк ярмаркадан қайтаётган юзга яқин киши ва мотоциклчилар ҳаракатланаётган пайтда дарёга қулаб тушди. Ушбу ҳодиса натижасида беш киши ҳалок бўлди, қирқ беш нафар одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

**● Коррупцияда айбланаётганлиги туфайли устиларидан тергов ишлари амалга оширилаётган Босния ва Герцеговина федерацияси президенти Живко Будимир ва яна тўрт нафар мансабдор шахсни бир ой давомида ҳибсда сақлаб туриш тўғрисида суднинг қарори чиқди.**

**● Латвия парламентида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, болалар олдида сигарета чекиш уларга нисбатан жисмоний зўрлик ишлатиш каби жиноий кўриниш билан тенглаштирилди. Айнан жисмоний зўрлик учун қандай жазо чораси қўлланилса, болалар олдида сигарета чеккан одамга нисбатан ҳам ундан қолишмайдиган даражада жазо чораси кўрилади. Бундан ташқари, жамоат жойларида сигарета чекканлик учун белгиланадиган жазо чоралари янада қатъийлаштирилиб, чекиш тақиқланган жойлар миқёси бундан ҳам кенгайтирилди.**

**● Доғистоннинг Қизилюрт районидаги Чонтаул қишлоғида амалга оширилган махсус операция чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан республика ҳудудида амалга оширилган бир нечта портлашларга алоқадор бўлган жангари йўқ қилинди.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **КЕЧА** Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида «Замонавий уйларга — замонавий лойиҳалар» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **БУГУН** Олмазор туманидаги «Шифокор» спорт мажмуасида Тошкент Тиббиёт академияси томонидан уюштирилган «Спорт ойлиги» мусобақасининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Учтепа туманидаги 22-оилавий поликлиникада «Оилада тиббий маданиятни юксалтириш» деб номланган тадбир ўтказилади.

Шаҳар сайлов комиссиясида

# ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддасига мувофиқ, 9-Салор, 15-Феруза (Мирзо Улуғбек тумани) ва 27-Дўстлик (Сергели тумани) сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга 2013 йил 12 май куни ўтказиладиган сайловга тайёргарлик олиб борилмоқда. Ушбу ишларни тегишли округлар бўйича ташкил этилган сайлов комиссиялари амалга оширмоқда.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси йиғилишида чора-тадбирлар режасига асосан бешта сайлов округи бўйича ташкил этилган участка сайлов комиссияларининг тартиби тасдиқланди. Эслатиб ўтиш жоизки, сайлов кампаниясининг асосий жараёни – бевосита сайловлар участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилиб ўтказилади.

Уларнинг иш фаолияти эса округ сайлов комиссиялари томонидан мувофиқлаштириб борилади. Йиғилишда участка сайлов комиссияларини барча зарур техника билан жиҳозлаш, ташкилий-услубий материаллар, ташвиқот-чорлов ашёлари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда, шунингдек халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Илгари хабар қилинганидек, шаҳар сайлов комиссиясига бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловларда иштирок этиш тўғрисидаги аризалари билан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси – амалда бўлган барча сиёсий партиялар мурожаат қилди.

Сайлов қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда тўртта сиёсий партиянинг Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан шаҳар сайлов комиссиясига бўшаб қолган ўринларга депутатликка номзодларни рўйхатга олиш юзасидан аризалар тақдим этилди. Шаҳар сайлов комиссияси барча аризаларни ва уларга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ҳар бир сиёсий партия томонидан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди **(номзодлар рўйхати чоп этилмоқда)**.

Сайловчилар ўтказиладиган сайлов жараёнига оид маълумотларни **9-Салор, 15-Феруза, 27-Дўстлик** сайлов округлари ва улар таркибидаги участка сайлов комиссияларидан олишлари мумкин. Бу борада Амир Темур шоҳкўчаси, 14-уй манзили бўйича жойлашган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясига ҳам мурожаат этиш мумкин.

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси*
*ҚАРОРИ*

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатлари ва депутатликка номзодларнинг тегишли округлардан номзодларининг овозга қўйилишига рози эканликлари тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиб, шаҳар сайлов комиссияси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 22-2 ва 44-моддаларига мувофиқ қуйидаги депутатликка кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинсин:

| Округ номи | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили, партиявийлиги, эгаллаб турган лавозими, турар жойи | Депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия |
|---|---|---|---|
| 9-Салор | Ахмедов Бурхон Баҳодир ўғли | 1977 йил, ЎзЛиДеП, «Диком-Сервис» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Ибрагимов Абдумалик Гаппарович | 1972 йил, ЎзМТДП, Тошкент ирригация ва мелиорация институти «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси доценти, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Юлдашев Акмал Рустамович | 1986 йил, ЎзХДП, «Ўзоғирнефтегазкимёлойиҳа» институти ахборот-аналитик бўлими етакчи муҳандиси, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Яхъяева Адолат Ходжиевна | 1970 йил, «Адолат» СДП, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти катта ўқитувчиси, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 15-Феруза | Бабаджанова Эльмира Алишеровна | 1964 йил, ЎзХДП, Мирзо Улуғбек туманидаги 49-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Жиянбаев Отабек Эшдавлатович | 1974 йил, ЎзМТДП, «Магнум медикал сервис» тиббиёт клиникаси бош директори, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Курбанова Дилфуза Махсудовна | 1969 йил, ЎзЛиДеП, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси иқтисодиёт институти бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Халиков Алиёр Эшбаевич | 1961 йил, «Адолат» СДП, 2-болалар жарроҳлик клиник шифохонаси бош шифокори, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| 27-Дўстлик | Абдувохидова Камолахсн Ғанижоновна | 1966 йил, ЎзМТДП, Яккасарой туманидаги 172-мактаб директори, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Палванов Эгамберген Машарипович | 1950 йил, «Адолат» СДП, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директорининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Саттарова Айгул Юсупбаевна | 1971 йил, ЎзЛиДеП, Сергели туманидаги 257, 258-АТС бўлими раҳбари, Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши |
| | Ғуломов Боходир Нигматович | 1967 йил, ЎзХДП, Сергели туманидаги 11-сонли спорт мактаби директори, Тошкент шаҳри | Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши |

**2. Ушбу қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинсин.**

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси**
**О.Иноғомов**

*Тошкент шаҳри,*
*2013 йил 26 апрель*

# САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

«Мамлакатимизда сайловлар тобора юксак савияда ўтказилмоқда, – деди Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Ерназар Жуманазаров. – Шу билан бирга, сайловлар давомида, жумладан, сайлов кампаниясининг энг қийин босқичи – сайловолди ташвиқоти жараёнида айрим камчиликлар аниқланмоқда. Сайлов қонунчилигига яқинда киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар томонидан сайловолди ташвиқотини амалга ошириш билан боғлиқ барча жараён аниқлаб берилди. Бу эса ишларни очиқ ва ошкоралик принципларига мувофиқ ташкил этиш имконини яратади. Бу борада кўп нарса ҳудудий сайлов комиссиялари раислари ва вакилларининг ҳуқуқий билимини оширишга боғлиқдир. Бунга ҳозир алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу галги семинарда йўл қўйилган камчиликлар, уларни тузатиш йўллари очиқ ва ҳар томонлама муҳокама этилгани жуда муҳимдир. Бу, ўз навбатида, сайлов комиссиялари ишида бўлажак сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда қонунчиликка қатъий риоя этиш принципларини мустаҳкамлашга кўмаклашади».

Ҳокимият вакиллик органларига бўладиган сайловларни юксак савияда ташкил этиш, уларнинг очиқ-ошкоралигини таъминлашга доир аниқ таклифлар билдирилди.

«Партиямиз экспертларининг фикрича, бўлажак сайловлар партиялар ўртасида кескин баҳслашиш, сайловчилар овози учун рақобатлашиш шароитида ўтади, – деди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши аъзоси Алишер Абдуллаев. – Партиямизнинг аввалги сайловлардаги иштирок этиш тажрибасини танқидий баҳолаб, ЎзЛиДеП партия томонидан кўрсатиладиган депутатликка номзодлар учун талабларни оширишни мўлжалламоқда. Номзодларнинг сайловчилар ишончини қозониши, уларга партиянинг мақсад ва вазифаларини етказиб бера олиши эса уларнинг тайёргарлиги, билим ва ваколатларига боғлиқдир. Сайловларнинг очиқ-ошкоралиги эса кўп жиҳатдан сиёсий партиялар, жумладан, сиёсий партияларнинг кузатувчилар институти ва депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари томонидан таъминланмоқда. Афсуски, 2009 йилги сайловлар пайтида уларнинг салоҳиятидан тўлиқ фойдалана олмадик. ЎзЛиДеП сайлов кампаниясида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан нодавлат ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари имкониятларидан, сайловолди ташвиқотининг қонунчиликда кўзда тутилган барча шакл ҳамда услубларидан кенг фойдаланиш зарур, деб ҳисоблайди».

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши аппаратининг бўлим раҳбари Маҳмуд Тоировнинг таъкидлашича, «сайлов жараёнини янада эркинлаштириш ва аниқ тартибга солиш Халқ демократик партияси зиммасига ўз стратегияси ва дастурини ишлаб чиқиш, сайлов кампаниясини ташкил этиш ҳамда ўтказиш, депутатликка номзодларни пухта танлаш бўйича катта масъулият юклайди. Айни пайтда ушбу йўналишларда фаол иш олиб бормоқдамиз. Бунда партия бошланғич ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки, айнан улар орқали аҳолининг фикри ва кайфиятини билишимиз, фуқароларни партиямиз сиёсий йўли билан кенг таништиришимиз мумкин. Ушбу семинар партиямиз томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудида шундай туркум тадбирларни ўтказишга даъват этади».

Семинарда сўзга чиққанларнинг фикрича, сайлов жараёнида оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокини кенгайтириш зарур. Сайлов ташкилотчилари малакасини, сайлов кампаниясини ёритишда оммавий ахборот воситалари ходимлари касб маҳоратини янада ошириш, бунинг учун махсус ўқув курсларини ташкил этиш катта аҳамият касб этади. Сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятини услубий таъминлашни такомиллаштириш ишлари давом эттирилади. Улар учун мамлакатимизнинг барча ҳудудида туркум семинар-тренинглар ташкил этилмоқда.

«Сайловчиларни ахборот билан кенг таъминлаш фуқаролар сайлаш ҳуқуқининг муҳим кафолатларидан биридир, – деди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов. – Сайловолди даврида оммавий ахборот воситалари зиммасига катта масъулият юкланади. Улар сайловчиларни хабардор қилиш, айни пайтда жамоатчилик назорати воситаси сифатида хизмат қилади. Миллий оммавий ахборот воситалари бу борада муайян тажриба тўплаган. Бироқ, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар эътиборга олиниб, уни такомиллаштириш зарур. Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания ҳамда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан ҳамкорлиги кенгаймоқда. Сайлов жараёни очиқ-ошкоралигини таъминлашга доир ишлар амалга оширилмоқда. Журналистлар касб маҳоратини ошириш мақсадида семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ташкил этилмоқда. Бўлажак сайловларга тайёргарлик кўришда бу ишларни янада кучайтирамиз».

Семинар қатнашчилари муҳокама натижаларига кўра, ушбу чораларнинг амалга оширилиши сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда қонунийлик, одиллик, коллегиаллик, очиқ-ошкоралик принципларига сўзсиз риоя этиш, сайлов жараёнини янада эркинлаштириш ва умуман, мамлакатимизда давлат ҳамда жамиятни изчил, босқичма-босқич демократлаштиришда сайлов эркинлиги принципининг тўла қарор топишига хизмат қилади, деган хулосага келдилар.

Семинар якуни бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Анна ИВАНОВА**

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Қонундаги муҳим янгиликлардан бири – унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш масаласи ўз ифодасини топди. Қонунга мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи (ишлаб чиқувчи) органлар ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ёки қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашнинг жорий йил ва истиқболга мўлжалланган режа ёки дастурларини тасдиқлайди. Кейинчалик фаолиятини шу асосда ташкил қилади.

Янги таҳрирда қабул қилинган қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини яхшилашга, қонунлардаги тафовутлар бартараф бўлишига, такрорийликка йўл қўймасликка, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатларини камайтириш учун ҳуқуқий асос яратди. Бу уларнинг мавжуд қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишини таъминлаш билан бирга адлия органларининг мазкур соҳадаги фаолиятини янада такомиллаштириш, қонун ижодкорлигига оид ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Анжуманда қонун нормаларини амалиётда қўллаш ва ҳаётга татбиқ этиш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Иккинчи республика тиббиёт коллежида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан пойтахтимиз коллежлари ўқувчилари ўртасида «Baxtiyorlar diyori» танлови ўтказилди.***

# МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗ БИЛИМДОНЛАРИ ТАНЛОВИ

Ҳар қандай жамият ва давлат тараққиёти ҳамда равнақи, аввалambор, унинг фарзандлари қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Шу боис ватанпарварлик, миллий қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбияланган баркамол авлодни шакллантириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларига айланган.

Бўлиб ўтган танлов ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилади. Танлов иштирокчилари халқимизнинг бой маданияти ва анъаналари, кўп асрлик тарихи бўйича ўз билимларини намойиш этди.

Барча жамоаларнинг миллий анъана ва урф-одатларимиз акс эттирилган театрлаштирилган томошалари, ижро этган рақс ҳамда ашулалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Танловда биринчи ўринни Тошкент педагогика коллежи, иккинчи ўринни Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи, учинчи ўринни эса Иккинчи республика тиббиёт коллежи эгаллади.

**Р.БОНДАРЧУК**

*М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиалида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган 47-халқаро Менделеев олимпиадасининг назария бўйича иккинчи тури ниҳоясига етди.*

# ЁШ КИМЁГАРЛАР ЎЗ БИЛИМИНИ СИНАБ КЎРМОҚДА

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялашнинг ноёб тизими ишлаб чиқилди ҳамда жорий этилди. Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ёшлар салоҳиятини мунтазам ривожлантириш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Мустақил Ўзбекистон фарзандлари турли халқаро мусобақалар ва фан олимпиадаларида фаол қатнашмоқда.

Ёш кимёгарларимиз эришаётган ютуқлар мамлакатимиз раҳбарияти томонидан иқтидорли ёшларнинг таълим олиши, уларни тарбиялаш ва тайёрлашга қаратилаётган улкан эътибор самараси бўлиб, бу олимпиаданинг яна мамлакатимизда ўтказилишига сабаб бўлди.

– 47-халқаро Менделеев олимпиадаси Ўзбекистонда ўтказилиши ҳақида хабар топганимдан сўнг юртингизга келишни жуда хоҳладим, – дейди Скопье шаҳридаги Яҳъё Камол номидаги хусусий коллеж ўқувчиси Филип Илиевски (Македония). – Шу кунларда менинг орзуим ушалди. Ўзбекистонга сафарим бир умр хотирамда сақланиб қолади. Негаки, айнан шу ерда янги дўстлар орттирдим, улар билан фикр алмашдик, Тошкентнинг кўплаб диққатга сазовор жойларини томоша қилдим ва ўзбек халқининг меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлдим.

Кимё фанидан халқаро Менделеев олимпиадаси нафақат МДҲ мамлакатлари, балки дунёнинг бошқа давлатларидаги ёшларни ҳам ўзига жалб этмоқда. Масалан, 2004 йилдан буён унда македониялик ёш кимёгарлар билан бир қаторда Болгария, Румbelieve, Венгрия вакиллари ҳам иштирок этиб келмоқда. Бу галги 47-олимпиадада дунёнинг 17 мамлакатидан 117 нафар ўқувчи қатнашмоқда. Бу йил улар сафига Саудия Арабистони вакиллари ҳам қўшилди.

– Биз жуда ҳаяжондамиз, негаки мамлакатимиз вакиллари бу олимпиадада илк бор иштирок этмоқда, – дейди Катиф шаҳридаги Алнажоҳ ўрта мактаби ўқувчиси Ҳошим Ал-Кунаизий (Саудия Арабистони). – Ташкилотчиларга ғамхўрлик ва эътибор, самимий қабул ҳамда яратилган шарт-шароитлар учун миннатдорлик билдирмоқчимиз. Тадбирларнинг маданий-маърифий қисми ҳам қизиқарли ўтмоқда. Ҳар куни таълим масканлари ва спорт мажмуалари, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига боряпмиз.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**



## Қарор ва ижро

# ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ЛОЙИҲАЛАРИ

***Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида шаҳримиздаги ўқув муассасаларида самарали ишлар амалга оширилмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги Чет тилларни ўрганишни янада ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2013 йил 16 январдаги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг профессор-ўқитувчилари ва ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилди.

Ишчи гуруҳ шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда, таълим муассасаларида фаолият юритаётган инглиз тили ўқитувчиларининг салоҳиятини ўрганиб чиқди.

— 2013 йилнинг январь ойи ҳолатига кўра жами шаҳримиздаги 294 та умумий ўрта таълим мактабларида 1551 нафар инглиз тили ўқитувчиси фаолият олиб бормоқда, — дейди шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори Ҳ. Йўлдошев. — Жумладан, уларнинг саксон нафари олий, 185 нафари биринчи, 449 таси иккинчи тоифали, 810 нафари мутахассис ва 111 таси нафақа ёшида, 36 нафарининг эса талаба эканлиги маълум бўлди. Мазкур мактабларда фаолият юритаётган 443 нафар инглиз тили ўқитувчиларининг жорий йилда малака ошириши кераклиги ҳам аниқланди. Ҳамза туманидан 39 та, Юнусобод туманидан 15 та, Яккасарой туманидан 10 та, Сергелидан 28 та , Чилонзор туманидан 69 нафар, Мирзо Улуғбекдан 42 та, Учтепа ва Миробод туманларидан 66 нафар инглиз тили ўқитувчилари малака оширмаганлиги маълум бўлди. 2013 йилнинг сентябрь ойидан туманлардаги мактабларда 1038 та биринчи синф очилиши режалаштирилиб, ушбу синфларни қамраб олиш учун 124 нафар инглиз тили ўқитувчисига эҳтиёж борлиги маълум бўлди. Олинган натижалар таҳлил қилиниб, институтимизнинг веб-сайтида махсус саҳифа очилди. Унда янгиликлар бериб борилмоқда ҳамда веб саҳифага жойлаштириш учун методик тавсия, қўлланмалар, мультимедиа ресурслари йиғилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда инглиз тилини ўрганишга ва ёшлар ўртасида татбиқ қилишга бўлган эътибор кундан кунга кучаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Буюк Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигидаги «Инглиз тилини ўрганишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш» деб номланган лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилаётгани ҳам бу фикримиз тасдиғидир.

Ушбу лойиҳа ўз олдига қатор муҳим вазифаларни қўйди. Унда ўқитувчиларнинг компьютерда ишлаш маҳоратини оширишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз томонидан қабул қилинган юқоридаги қарорнинг аҳамияти ўлароқ, мамлакатимизда инглиз тилини ўрганишга бўлган эътибор янада кучаймоқда. Шу муносабат билан дарсликлар ва луғатларни ёшлар ўртасида янада оммалаштириш учун кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда янги «Инглизча-ўзбекча луғат» нинг нашр қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Луғат барча учун жуда зарур бўлиб, унда ҳамма соҳа мутахассисларининг инглиз тилида фикр алмашуви учун зарур бўлган сўзлар ва иборалар киритилган. Мазкур луғатнинг ўзига хос жиҳати унинг оммабоплигидадир.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

***Оила ҳақида тўхталганда авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор.***

## 2013 йил — Обод турмуш йили

# МУСТАҲКАМ ОИЛА — ОБОД ТУРМУШИМИЗ ТАЯНЧИ

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Зеро, оила фаровонлиги – миллий фаровонлик асосидир.

Истиқлол йилларида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган, очиқ ташқи сиёсатга эга ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон Республикасида оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Жамият тараққиётининг асоси, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккур кўзгуси – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари борасида бошқа ҳеч бир демократик давлатлар қонунчилигида учрамайдиган принциплар ўз аксини топган. Асосий Қонуннинг 45-моддасида вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидалиги, 60-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда давлат муҳофазасида эканлиги, 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурликлари, 65-моддасида фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги ҳамда оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши, 66-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги қатъий белгилаб қўйилган.

Мустақиллик йилларида конституциявий қоидаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида оила билан бевосита боғлиқ 50га яқин қонунлар Президентимизнинг 20га яқин фармонлари, қарорлари, фармойишлари, ҳукуматимизнинг 70дан зиёд қарорлари, фармойишлари қабул қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 30 миллионга яқинлашаётган аҳолининг 98,5 фоизи оилада яшайди. Мавжуд 7,5 миллиондан зиёд оилаларнинг 1 миллиондан ортиғи ёш оилалар ҳисобланади. МДҲ мамлакатлари орасида юртимиз ажралишга нисбатан никоҳланиш нисбати ошиб бораётган ягона давлат эканлиги қалбимизда келажакка ишонч ҳиссини уйғотади.

Мухтасар қилиб айтганимизда, Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва истиқлолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинаётган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизациялаш бўйича «ўзбек модели» бугун дунёнинг тараққиёт сари интилаётган аксарият давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда одамлар ҳаёт сифати ва фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди.

**Шаҳбоз ШУКУРОВ,**
**ҳуқуқшунос**

## Тадбирлар

# БИЛИМЛАР СИНОВИ

***Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Тафаккур синовлари» республика танловининг саралаш босқичи бўлиб ўтди.***

Ушбу танловда Тошкент Молия, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн ҳамда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтлари талабалари иштирок этди. Улар танлов шартига кўра мамлакатимиз тарихи, бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, ҳуқуқ ва таълим тизими, жамиятимиздаги барқарорлик ва миллатлараро тотувлик борасидаги саволларга жавоб бердилар.

Билимлар беллашувида энг кўп саволларга тўғри жавоб берган Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабалари биринчи ўринга сазовор бўлиб, танловнинг финал босқичига йўлланма олдилар.

Бу каби танловларнинг ўтказилиши ёшларимизнинг билими, маънавиятини бойитибгина қолмай, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ҳам хизмат қилади.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ**

***Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида «Кийиниш маданияти — ҳам одоб, ҳам ахлоқ» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Унда университет профессор-ўқитувчилари, талабалар ва ота-оналар иштирок этишди.***

## Олий ўқув юртларида

# КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ ҲАМ ОДОБ

Университет хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият ва маърифат бўлими, «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти, устоз-мураббийлар ҳамда Ота-оналар кенгашлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда талабаларнинг кийиниш маданиятида миллийлик ва замонавийликнинг акс этиши, бунда ўқитувчилар билан биргаликда ота-оналарнинг эътибори ва масъулиятини янада кучайтириш, қолаверса, маънавий-ахлоқий тарбия ишларининг самарадорлигини ошириш каби жиҳатларга эътибор қаратилди.

Шунингдек, университет талаба-қизларининг кийиниш маданияти масалалари, бу борада талабалар ўртасида олиб борилаётган амалий ишлар, бунда ота-оналарнинг иштироки ва ўрни хусусида кенг ва атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Кийиниш маданияти орқали инсоннинг ички олами намоён бўлади, — дейди университет хотин-қизлар қўмитаси раиси Нилуфар Жўраева. — Шундай экан, талаба ўзининг талабалигини билдириб турадиган ўзига хос, атрофдагиларнинг диққатини бўлмайдиган кўринишда кийиниши керак.

Кийиниш маданияти хусусида талабалар ҳам ўзларининг фикрларини тенгдошлари билан ўртоқлашишди. Кийиниш маданиятининг ҳам одобга, ҳам менталитетга бевосита таъсир кўрсатишини таъкидлаб ўтишди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!**

«Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ ким ошди савдосига Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ўзбекистон кўчаси, 49-уйда жойлашган Тошкент Давлат иқтисодиёт университетига қарашли қуйидаги автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда:

1.1997 й. и/ч. дав.рақ. 10 AD 210 бўлган «Мидибус М-29» русумли автотранспорт воситаси бош.нархи-21 755 000 сўм. Аукцион савдолари 2013 йилнинг 16 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 - фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисоб рақамига 20208000904929477001, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 302074183, ОКОНХ 83200 га тўлашлари шарт. Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказлишига бир кун қолганда тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59

**«Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» МЧЖ (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, «Дероз» хусусий корхонасида сақланаётган 22.06.2012 йилдаги №9099/15-сон ижро ҳужжат. асосан 1. Бисквит ишлаб чиқариш линияси, бошланғич нархи 920 000 000 сўм. 2. Кремли вафли ишлаб чиқариш линияси, бошланғич нархи 880 000 000 сўм қўйилади. Аукцион савдолари 2013 йилнинг 30 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқорида кўрсатилган мулклар 30 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси соат 11.00 да 2013 йилнинг 20 июнь куни бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 - фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисоб рақамига 20208000904929477001, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 302074183, ОКОНХ 83200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй.**
**Телефон: 249-54-59.**

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Савдога Олмазор туман СИБ томонидан,** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 21.07.2011 йилдаги 10-1117/7803-сонли, 09.03.2011 йилдаги 10-1008/21203-сонли, 16.05.2011 йилдаги 10-1114/4969-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уйда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 481 кв.м., умумий майдони 979 кв.м., фойдаланиш майдони 832,15 кв.м. бўлган ертўлали, икки қаватдан иборат бўлган маъмурий бино такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 752 933 740,85 сўм.**

**Савдо 2013 йил 20 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 17 май куни соат 18:00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов хужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

«WHEAT FLOUR PROD» МЧЖсини ИНН: 302287535 жамият устави фондининг 1 521 474, 356 минг сўмга қадар қисқартирилганлиги ҳақида маълум қилади.

Даъволар эълон нашр қилинган кундан бир ой давомида Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 8-«Б» манзили бўйича қабул қилинади.

1-Республика тиббиёт коллежи томонидан 2012 йил 30 июнда Бекходжаева Саида Маратбек қизи номига берилган 2796 рўйхат рақамли, К 2720108 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Тиббиёт академияси томонидан 2011 йил 17 октябрда Худайназаров Сардор Ибрахимович номига берилган 1295 рўйхат рақамли, АА 000881 сонли клиник ординатура дипломи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 20-уй, 67-хонадонда яшовчи Мамараимов Файзулла Хурсановичга тегишли бўлган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**





Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар

**Тадбирлар**

## КЎЗИМ АРДОҒИДАСАН, ВАТАНИМ

***Шаҳримиздаги 203-сонли умумтаълим мактабида шундай мавзудаги тадбир бўлиб ўтди. Ушбу Ватанни улуғловчи дастур «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Учтепа туман бўлими ташаббуси билан ўтказилди.***

– Ушбу тадбирни ўтказиш ғояси, аввалambор, мактаб ўқувчиларидан чиқди. Ўқитувчилар эса уларни қўллаб-қувватлаб, кўмаклашишди. Демак, бундан келиб чиқадики, бугунги кун ёшлари Ватан туйғусини, юрт нашидасини юрак-юракларидан ҳис қилмоқдалар, – дейди мактаб директори Озода Эгамбердиева.

Ўқувчилар ўзларининг бирибиридан қизиқарли саҳна чиқишларида миллий қадриятлар ва удумларимизни намоён қилиб, Ватан тўғрисидаги қўшиқларни маҳорат билан ижро этишди. Айниқса, тадбирга йиғилганларга ўзгача кайфият бағишлаган шеърият танлови барчада катта таассурот қолдирди.

— Биз ушбу тадбирда қатнашаётганимиздан жуда хурсандмиз. Ватан сўзини ҳамма ҳар хил англайди. Мен эса Ватан деганда, аввало, уйим ҳамда мактабимни тушунаман, чунки Ватан туғилиб ўсган жойимиздир, – дейди 8-синф ўқувчиси Достон Абдуллаев.

Тадбирда иштирок этган барча меҳмонлар ўқувчиларнинг ижодий фаолиятларида муваффақиятлар тилаб қолишди. Энг фаол иштирок этган ўқувчилар ташкилотчилар томонидан махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**Ҳамида УСМОНОВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

***«Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навниҳол инсон ҳаётдан муносиб ўрин топса турмушидан, тақдиридан, Ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади», – дея таъкидлаб ўтган эди Президентимиз Ислом Каримов.***

## ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚЎЛЛАНМОҚДА

Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқитувчиларининг «Эстетика фанлари ойлиги»да амалга оширган талай ишлари Юртбошимиз сўзларини қалбларига жо қилиб олганликларини намоён этади.

Мактабнинг мусиқа, меҳнат, тасвирий санъат, чизмачилик фанларини ўз ичига олган эстетика услуб бирлашмаси раҳбари Зиёда Эшмуродова ташаббуси билан янги педагогик технологияларни дарсда қўллаш, медиадарслар ташкил этиш бўйича кўрик-танлов шаклидаги семинар ўтказилди.

«Шарқ халқлари рақслари» мавзусидаги рақс танлови тадбирга кўтаринкилик бахш этган бўлса, «Европа мумтоз мусиқаси», «Ўзбек миллий халқ ҳунармандчилигидаги касблар», «Мозаика ҳақида умумий маълумот» каби медиадарсларнинг ҳар бири ўзига хослиги, янгиликларга бой эканлиги билан йиғилганлар эътиборини тортди.

Шу ўринда ўқувчиларни ўйлашга, фикрлашга, янгиликлар излашга чорловчи «Балли, йигитлар» танлови, мактаб ошпази назорати остида ўтказилган «Ошга марҳамат» тадбири барчада катта қизиқиш уйғотганини таъкидлаш жоиз.

Бу каби тадбирлар ўқувчиларни янада яхшироқ ўқишга, изланишга, интилишга, билимдон бўлишга ва ҳаётда ўз ўрниларини топишга чорлайди дейиш мумкин.

Семинар якунида «Энг чаққон гуруҳ» ва «Энг изланувчан гуруҳ» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди. Уларга мактаб маъмурияти томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Дилором ҲАЙДАРОВА**

***Юртимизга ташқаридан сифати кафолатланмаган товар-моддий бойликларни импорт қилиш бўйича аниқ ва самарали тартиблар ишлаб чиқилган бўлиб, бунда энг аввало ички ишлаб чиқарувчилар манфаатлари алоҳида эътиборга олинган. Афсуски, мазкур тартибларга риоя қилмай, ички бозорни сифатсиз маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳаракат қилаётган «ишбилармон»лар ҳам учраб турибди.***

**Божхона**

## ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Яқинда пойтахтимиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда божхона расмийлаштируви ва сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган йирик миқдордаги товар-моддий бойликларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйилди.

Тезкор маълумотлар асосида Учтепа туманида жойлашган хонадонлардан бирида ўрнатилган тартибда ва холислар иштирокида кўздан кечирилганда, хонадоннинг кириш йўлаги ва хоналарида хорижда ишлаб чиқарилган 135 турдаги канцелярия маҳсулотларининг ноқонуний равишда сақланаётганлиги аниқланди.

Дастлабки текширув чоғида юк эгаси Ж.Муродов қиймати 100 миллион сўмлик ушбу товарларнинг божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи бирорта ҳам ҳужжатларини божхоначиларга тақдим қила олмади.

Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 5200га яқин қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 60 миллиард сўмдан ортиқ товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Республикамиз ҳудудидан ноёб ва маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ёки олиб кирилиши миллий ва халқаро қонунчиликка асосан йўлга қўйилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги 131-сонли «Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши масалаларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига кўра эллик йил муқаддам ва ундан ҳам олдинроқ яратилган маданий бойликлар Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетилмайди. Агарда, маданий бойликларнинг мамлакатимиздан олиб чиқилиши ёки вақтинча олиб чиқилиши зарурати бўлган тақдирда бу иш тегишли идора экспертларининг хулосаси ва рухсати билан амалга оширилади.

Шунга қарамай, айрим шахслар томонидан маданий бойликларимизни ҳеч қандай ҳужжатларсиз қинғир йўллар билан олиб чиқишга бўлган уринишлари учраб турибди. Яқинда ана шундай ҳолатлардан бири «Келес» темир йўл божхона пости ходимлари томонидан фош этилди.

«Тошкент — Москва» йўналишидаги поездда кетаётган янгийўллик Н.Долидзега тегишли қўл юклари божхона назоратидан ўтказилганда, божхона баённомасида қайд этилмаган ва оғзаки сўровда маълум қилинмаган 99 дона ҳар хил ёзув ва ўлчамдаги, XVIII — XX асрларда чор Россияси ва Англия қироллиги ҳудудида муомалада бўлган кумуш ва бошқа металлардан ишланган қадимий тангалар ҳамда етти дона XIX — XX асрларга дахлдор қадимий орден ва медаллар борлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Бадиий экспертиза бошқармасининг хулосасига кўра, юқорида айтиб ўтилган танга ва медаллар қадимий аҳамиятга эга бўлиб, уларни Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги Қонуни 8-моддасига асосан республикамиз ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш тақиқланади.

Таъкидлаш жоизки, 2012 йилда ҳамда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиз божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 131 та қонунбузарлик ҳолатларида 2,5 минг донага яқин турли ноёб тарихий ва маданий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ишлари давом эттирилмоқда.

**Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати**

## ЁШ ОЛИМЛАРНИНГ ТИББИЁТ АНЖУМАНИ

***Ёшлар ижод саройида Республика Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Тошкент Тиббиёт академияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида «Назарий ва амалий тиббиётнинг долзарб масалалари» мавзуида ёш олимларнинг II илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.***

Ёш олимлар ва талабаларнинг илмий фаолиятини рағбатлантириш, уларни фаннинг замонавий масалаларини ҳал қилиш жараёнига жалб этиш, ягона илмий-маърифий билимларни янада ривожлантириш, бўлажак ҳамкасблар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мазкур анжуманнинг асосий мақсади бўлди. Тошкент Тиббиёт академияси ректори Ш.Каримов ва бошқалар ўз маърузаларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида юртимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, замонавий асбоб-ускуналарнинг амалиётга изчил татбиқ этилаётганлигини таъкидладилар. Анжуманда иштирок этган юртимиздаги тиббиёт олийгоҳларининг талабалари, магистрлар, катта илмий ходимлар, клиника ординаторлари, мутахассислар эътиборига вилоятлардаги олий ўқув юртларининг ёш олимлари томонидан 19 та маъруза ва 18 та тақдимотлар ҳам ҳавола этилди.

Шунингдек, анжуман доирасида чоп этилган тўпламдан 129 та илмий мақолалар ўрин олди. Бундан ташқари, АҚШ, Россия, Исроил каби давлатлардаги хорижий мутахассисларнинг юртимизнинг турли ҳудудларида семинар-тренинглар ўтказиб келаётгани эътироф этилди. Тадбирнинг асосан инглиз тилида борганлиги эса анжуманнинг ўзига хос жиҳати бўлди, дейиш мумкин.

**Д.РЎЗИҚУЛОВ,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

## ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

### МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Бахту омад шижоат ва қатъият эгасига насиб бўлади.**

* * *

**Ўзини бахтли ҳис қилган киши бахтиёрдир.**

* * *

**Ҳар қандай гапни ҳам хоҳлаган томонга бурса бўлади.**

* * *

**Таъмагирлик тиланчиликдан баттар.**

* * *

**Жон-жаҳди билан интилган мақсадига етмай қўймайди.**

* * *

**Ақл ожиз қолган жойда куч ишга тушади.**

* * *

**Яхшилик билан ҳал бўлмаган иш ёмонликка ундайди.**

* * *

**Хушламай қилган ишинг кўнгилдагидай чиқмайди.**

* * *

**Ишинг тушмагунча кимнинг кимлигини билмайсан.**

* * *

**Яхшилик унутилса ҳам ёмонлик унутилмайди.**

* * *

**Мақтаниш – кибрлик аломати.**

* * *

**Умид қанот бағишласа, тушкунлик уни қайиради.**

* * *

**Ўзига ишонмаган ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнаб яшайди.**

* * *

**Бир кишининг ножўя қилмиши иккинчисининг йўлини боғлайди.**

* * *

**Мол-дунё кўзни оч қилиб қўяди.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

UZHYMET

*Тошкент шаҳрида **1 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 7-9 даража илиқ, кундузи — 23-25 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **1 майда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, таг-миқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 441

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12046 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5